

3-БЕТ, 19 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.



ШОИР ФУРҚАТ ҲАЙКАЛИ

Ўзбек демократ шоири Зокир-жон Фурқатнинг энг яхши ҳайкали лойҳасини ишлаш конкурснинг жорийиёи яқинда мажлис ўтказди. Ўз даврининг илгор кишиси бўлган маърифатпарвар шоир образини муваффақиятли тавдалантира олган архитектор Ю. А. Холдаев, расом А. П. Ган ва ҳайкалтарош П. Исаев ўртоқлар ишлаган лойҳага биринчи мукофот берилди. Лойҳанинг мазмуниндан Фурқатнинг лирик шоир бўлганлиги, ўз халқига катта муҳаббат билан қарагани ва ўзбек ҳамда рус халқларининг дўстлигининг қизғин тарафдори бўлгани яққол сезилиб туради. Авторлар қўлаган бадий восталар ана шу гоиларини очтига бўйсундирилган.

Ана шу лойҳа бўйича ишланган ҳайкал Чиланзор массивида — шоир номига қўйилган майдонда қад кўтарилди.

ЗАВОД ЕТТИ СОАТЛИК ИШ КЎНИГА УТДИ

Яқинда Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводида бутун корхона коллективини хурсанд қиладиган воқеа рўй берди: илгаридан кўрилган пухта тайёрларик натижада завод етти соатлик иш кўнига ўтди. Индида корхонанинг ишчи ва хизматчилари яна бир соат қўшимча бўш вақтга эга бўлдилар. Улар бу вақтдан маданий дам олиш, ўқиб ўз савияларини ошириш, оилада бола тарбияси билан кўпроқ шугулланишда фойдаландилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг дунёда энг қисқа иш кўни жорий қилаётган ғамхўрлигидан руҳланган ишчи-хизматчилар кўндан-кўнга унмун меҳнат қилмоқдалар. Улар етти йилликнинг иккинчи йили топиригини мўддатидан илгари бажаришга бел боғлаганлар.

ДАЛА ДУШЛАРИ

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармасига қарашли «Ўзғемес» ва «Металлосуд» заводлари колхоз ва совхозлар учун мўлжалланган дала душлари ишлаб чиқара бошладилар. Бундай душ установа-ларига бир кубометр суя кетади ва унда алоҳида-алоҳида равишда бир-бирига уч киши ювнишни мумкин.

«Ўзғемес» заводи ҳозиргача дала душларидан 1500 та тайёрлаб, колхоз ва совхозларга юборди. «Металлосуд» заводида тайёрлаб қўйилган 2 мингта душ установа-лари ҳам яқин кўнларда қишлоқларга йўнатилди. Бу завод коллективи 1 октябргача яна 3 мингта дала душлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Ҳар йилка заводда тайёрланаётган бундай душлар дала широнти учун жуда зарур. У қишлоқ жойларда аҳолига маний хизмат кўрсатишни яқинлаштира ёрдам беради.

Тошкентдаги Островский номли пионерлар саройи тўғрарак аъзолари яқинда Буржуазия тоғ-туристик лагерига бўлиб чиқиб қайтишди. Суратда: тўғрарак аъзолари юксак тоғ чўққисига томон кўтарилаётқалар.

С. Рихсиев фотоси.

МАКТАБЛАРИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЕРЛАШТИК.

Машгулотлар бир сменага кўчирилган

Оқанган шаҳар халқ маорифи ходимлари «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишда, ўқув-тарбия ишларини қайта қўриш бўйича яқин натижаларга эришдилар. Ўтган ўқув йилида шаҳардаги 29 мактабдан 15 тасида машгулотлар бир сменада олиб борилди. Машгулотларни бир сменага кўчиришда партия, совет ва жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Натижада бу йил шаҳардаги барча мактабларда машгулотлар бир сменага кўчирилди.

Саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар томонидан кўпгина маълумий ёнорларнинг бўлиб берилиши натижада 9 мактаб 144 та қўшимча синф хонасига эга бўлди. Бу нисда «Ўзбектўз» комбинати, «Ўзбектўз» трести, қўриқ, қўриқ, ГРЭС ва бошқа корхоналар ҳамда биринчи «Хайкаров» совхоз коллективлари яқинда яқин ташаббус кўрсатдилар. Мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам аниқгина ишлар қилинди. Барча мактаблар яқин йилда қишлоқларга, ўқув-тажриба участкасига, ўқув-ишлаб чиқариш установа-ларига эгадирлар.

Таълимнинг тажриба билан боғлаб олиб боришни қўриқ-дарс системасига ўтатиш ўқувчиларнинг пухта билим олишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шаҳардаги қўпгина мактабларда ўқувчилар ўз-ўзига хизмат қилишга кўчдилар. Синфлари тозалаш, пол ювиш, парта, деразаларни артиш ва синфда гул ўсти-



Суратда: Пойтахтимизнинг кўн сайин обод бўлиб бораётган Ново-Московское проспекти. М. Нуриддинов фотоси

ДАРСЛИКЛАР УЧУН

Тошкент картография фабрикасида ҳар йили янги ўқув йили учун турли ўқув карталари қўйлаб тайёрланади. Бундай карталар Ўрта Осиёдаги қардош республикаларга ҳам юборилади.

Янги ўқув йилига фабрика 14 та дарслик учун 947 минг нусха рангли вклатка-карталар тайёрлади. Бу карталардан Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон республикалари ва Қорақалпоғистон АССР мактабларининг ўқувчилари фойдаландилар.

Бундан ташқари фабрика коллективи 6-синф ўқувчилари учун 200 минг нусха, 8-синф ўқувчилари учун 150 минг нусха контр карта ишлаб чиқарди. Шунингдек, 1 миллион 200 минг нусха рангли контр карталар ҳам тайёрланди. Фабрикада ўқувчилар учун фойдаланишга қўйлаб бўлган айрим давлатлар ва қитъаларнинг кичик карталари ишлаб чиқарилиди. Бу картанинг бир донаси 10 тишин туради, 28 давлатнинг картасидан иборат комплектини эса 2 сўм 45 тишинга оласиз. Картография фабрикасининг Қозоғистон ва Новосибирск ўқув-педагогика наشريётлари билан ҳамкорликда тайёрлаган стабил ўқув атласлари ҳам ўрта мактаб ўқувчилари учун жуда зарур қўлланма ҳисобланади.

Н. ОМОНОВА.



Абу Али Ибн Сино асарлари рус тилида

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг нашриёти Абу Али Ибн Синонинг «Алқоно» номли туртинчи китобини рус тилида босиб чиқарди. Бу китобда кичик организмнинг умумий касалликларини ҳақиқат ва бу касалликларни даволаш имко- нияти ҳақида қизқарган ва фойдали маълумотлар бор.

Ушбу олимнинг асари Озарбайжон Фанлар академиясининг махсус фондида сақланаётган ва 1250 йил санаси қўйилган қўлемли асосда таржима қилинди. Таржимонлар Қоҳирада нашр этилган «Алқоно» нусхасидан ёрдамчи манба сифатида фойдаландилар. (ЎзТАГ).

Англиялик меҳмон

Лейбористлар партиясидан Буюк Британия парламентининг аъзоси Б. Паркин рафқаси ва ўғли билан бирга 18 августда Тошкентга келди. Б. Паркин КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Буюк Британия лейбористлар партияси аъзолари группасининг составига кирди.

Аэродромда англиялик меҳмонни СССР Олий Совети депутати К. М. Муртазов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. М. Қодиров, республика Олий Советининг депутати М. К. Воҳидов кўтиб олдилар.

Б. Паркин Ўзбекистон бўйлаб сафар қилади, республиканинг ҳаёти билан танишади. (ЎзТАГ).

ШАРҚШУНОСЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИЛАР

Шарқшуносларнинг халқаро конгресси қатнашчиларидан катта бир группаси 17 августда Москвадан Тошкентга келди. Булар орасида Франция, Япония, АҚШ, Англия, Туркия, Канада, Голландия ва бошқа мамлакатларнинг юзга яқин олимлари бор.

Чет эл олимлари Ўзбекистон ҳаёти билан танишдилар. (ЎзТАГ).

Янги мактаб

Ўрта Чирчиқ районидagi «Авангард» қишлоқ совети марказида 11 йиллик мактаб биноси қад кўтарди. Бу яқин қаватли мактабда янги ўқув йилидан бошлаб машгулотлар бир сменада олиб борилади. Мактаб тажриба лабораториялари ва установа-лар, катта спорт ва кинотеатр зали ҳамда хўжалик ҳовдиси ҳам эга.

— Бу йил мактабимизда мингдан ортиқ бола таълим олади, — дейди мактаб директори ўртоқ Х. Оймиров. — Ўқувчиларнинг кўпчилигини шу райондаги Охунбоев номи, Ленин номи, «ХХ партсъезд» қол-хазари аъзоларининг ўғил-қизлари ташкил этади.

Маъзур мактабни 1-Ўрта Сарой РТС, Ўзбекистон гуруҳ илмий текшириш тажриба станцияси оталиқчи олган. Бу хўжаликлар мактабни кел-раки ўқув қўроллари билан таъминладилар.

Жеивзор Экранида

19 АВГУСТДА
19.30. Мактаб ўқувчилари учун Х. Назирнинг «Жавоб» ҳикояси асосида Ўзбек тилида телеинишроқ.
20.00. «Ешлар дунёсининг гуллари» — илмий-оммабоп фильм.
20.20. Сўнгги ахборот.
20.40. Халқаро масалалар юзасидан Ўзбек тилида эшитириш.
20.55. Ўзбек шоирларининг қишқилари.
21.15. Бадий ҳаваскорлар концерти.

С. ТИЛАХУЖАЕВ.



ОЙШАНИНГ АРЗИНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Ойша Исмонлова уч фарзандига кечки овқатни едириб, эндигина уларни ухлатаман деб турган ҳам эдими, уйга районлараро автобазанинг гараж мудири Фират Асанов базанинг кассири Зарифа Эшмухамедова билан етаклашиб кириб келди-лар. Зарифа юзига ула-элликлар суриб олибди, янги келинлардек башанг кийинган, кўзда сурма, қонда ўсма-лар қўюқ, у, ҳа деб қиқирлаб кулар эди. Фират бўлса қиқирлаб маст, оёқда туролмай, нуқул «чай-ладим».

— Хўш хоним, уйдан қачон кўчадилар? — димодор оҳанг-да сўради Фират. — Ё мана бунини ишга солайми? — деди у чақалоқнинг бошидек келадиган муштини кўрсатиб.

— Нега кўчар эканман, кўч-майман! — деди Ойша қўрқув-инча. — Уй меники, болаларимники.

— Қалтирамай тўғри туриб гапирсанг-чи! — луқма ташла-ди Зарифа. — Кўч дегандан кейин кўчавер-да, нима, уйсиз қолармидинг...

Бир нафасдан сўнг жипжал яна кечати жойидан бошлашиб кетди. Уйдан Ойшанинг сочларини юлиб, фарёд чекаётгани, болаларнинг онага жүр бўлаётгани эшитилди. Кўн-кўнлардан кичик йилдан бўён бир ерда қар-қар жипжал-тўполон бўлаверган учун кўн-кўн қолтирган. Ичи, маст бўлиб келадиган Фират кўн-кўннинг юзига олиб қўйган...

Бир вақтлар бу оилада бахт-ли, тоғу-турмуш келган. Ўша вақтларда Фират Ойшани оппо-ним деб атаб, «сенсиз ҳаёт кел-чирсам, нақ ўлиб қоларман» дея қасамлар ҳам ичган. Лекин фарзандлар қўпайган сари Фи-

ратнинг феъли айнаиди. Бирин-кетин бошқа қизларнинг бошини айлантириб, гоҳ унисига, гоҳ бунисига уйланаберди. Тез кунда Ранса, Жамила, Марам-ларни ҳам ёмон отлиқча чиқа-риб, уларнинг ҳам бахтини оёқ-ости қилган Фират Асанов яна Исмонлованинг ёнига қайтди.

— Мени кечир азизим, ахир икки фарзандимиз бор, мен нон-кўрлик қилдим, кечир мени, — дей ёлвориб туриб олди.

Афсуски Фират ана шундан сўнг ҳам ўзига келмади, оила-га ҳам-гусса келтиришда давом этди. Кейинчалик маълум бўли-шча, у базада кассир бўлиб ишлайётган Зарифа Эшмухаме-дова билан дов олишиб юрган экан.

Зарифа Фират билан бир неча бор уйга келган, унинг хотини, уч фарзанди борлиги-ни, бир эмас бир неча бор уй-ланиб кўпларнинг бахтига чанг солганини жуда яқин билар эди. У аввалига бу хонадонга меҳмон сифатида келиб юрди.

Ойшага қўшилиб Фиратнинг тошмехр ва вафосизлигидан қулган ҳам бўлиб.

— Майли куйманг, — деди у Ойшанинг кўнлини кўтариб, — бундангиз эриниб борида йўн афзал, садқани қўйишнинг кет-син...

Шундай деб юрган Зарифа орадан сал кўн ўтмай, ана шу «тошмехр, вафосиз» Фиратга йилринчасига тегиб олди. Ой-ша уч фарзанди билан яна йиғлаб қолаверди. Билмадик,

Рифат, Ришад, Ринатларни ти-рик етим қилиб, оиланинг тоғу-хаётини бузиб, Зарифа ўзига қанақаниг бахт топди экан? Муштлар онанинг кўзларини, норасида гўдакларнинг бўзла-шари наҳотки комсомол аъзоси Зарифа Эшмухамедованинг қал-бига бориб етмаган бўлса! На-ҳотки унга инсоний ҳис-туйғу-лар шу қадар бегона, беқадр бўлса!

Шу кеча-кундузда Фират ўз болаларини етим қилгани етма-ганидек, Ойшани пешона тери билан солган ўз уйдан ҳайдаб чиқариб, янги келин-Зарифахо-ним билан хўш-хўлатоватда яшаш пайида юрибди. Шу маъ-садада Ойшани бир неча бор калтаклади, кўнсидан итариб ташқарига чиқариб қўйди.

Ахвол ана шундай ачинарли бўлишга қарамай, суд идора-сидига раҳбар ўртоқлар ҳам, Ўрта Чирчиқ район партия ко-митетининг хотин-қизлар ўрта-сидан иш олиб борувчи ходими ўртоқ Ражабова ҳам, гарчи Исмонлова улардан нажот ку-тиб, бир неча бор ёлвориб келган бўлса-да, ачинамай-диган, ҳолис тамошабин бўлиб келмоқдалар. Билмадик, улар меҳрсиз тамошабин родини қачонгача уйнар эканлар! Зарифа эса қачонгача Ойшанинг уйига беэобетларча сўррайиб кириб-чиқиб юраркин?

О. АЗИМОВ,
Н. БАРКАШЕВ.

Шонли ўн беш йиллик

Прогрессив инсоният Шарқ халқ-лари миллий-озодлик кураши тари-хидagi катта байрами — Индо-незия Республикаси эълон қилинган кўннинг 15 йиллигини нишонлади.

17 августда Тошкентда А. С. Пушкин номидаги Маданият ва ис-тироҳат паркиннинг ёғи театрида ша-ҳар жамоатчилигининг ана шу муҳим воқеага бағишланган йиғилиши бў-лди. Йиғилишни Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамаияти ҳамда ССБСЙ ва илмий билимларини тарқатувчи Республика жамаияти уюштирди.

Чет эллар билан дўстлик ва мада-ний алоқа қилувчи Ўзбекистон жа-мийати правлениясининг раиси Ж. М. Тожиева кириш нутқида қаҳрамон Индонезия халқининг мустақаллаччи-лар ҳукмронлигига қарши кўп аср-лик кураши, мустаҳкамлашиб бора-ётган Совет — Индонезия дўстлиги ҳақида гапирди.

Йиғилиш қатнашчилари Индо-незия Республикасининг Москвадаги элчихонасига, шунингдек Жакарта-га, «Индонезия — СССР» маданий алоқа жамаияти номига табрик телеграммалари юбориб, Индонезия халқини байрам билан кутладилар, унга бахт-содаат, равақ ва тарақ-қиёт тиладилар. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАЪЛИМ ЗАМОНАГА

Ака-сингил ишоси (эрталаб соат 10-20 минутда), Эгар усти-даги ўлим (кеч 6, 8 ва 10 да) — қишқи «ВАТАН».

Рно-де-Жанейролик Гушчак — «МНР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 10 да), «КОМСОМЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз 12 ва кеч 6-15 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 8 ва 10 да), «ЭГ» «ВАТАН», ТЕЛМАН номли (кеч 10-40 ми-нутда), ПУШКИН номли (кеч 8-45 минутда).

Жоинизини қутқариш — қишқи НАВОНИЙ номли (кеч 8 яримда), «КОМСОМЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кеч 8 да), «ЭГ» «ВАТАН» (кеч 9 да), СТЕ-ПАН РАЗИН номли (кеч 8-45 ва 10-40 минутда), «ЭГ» НАВОНИЙ номли (кеч 9 ва 10-40 минутда).

Катта вальс — «ИСКРА» (кун-дуз ва кечурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 8 гача), «КОМСОМЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз 2, 4 ва кеч 10 да), «ФЕ-СТИВАЛЬ» (кеч 9 ва 11 да), ТЕЛМАН номли (кеч 8-45 ми-нутда), ПУШКИН номли (кеч 10-40 минутда), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 10-40 минутда).

Синфдонинг еттичи саёҳати — қишқи «ВАТАН» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да), «МНР» (кеч 6 ва 8 да), қишқи НАВОНИЙ номли (кун-дуз ва кечурун), КАРАИОВ номли (кеч 8-45 минут ва 10-45 минутда), «ЭГ» НАВОНИЙ номли (кеч 9 да).

Исон тақдири — «ОКТАБРЬ» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

Тошкент қишлоқ хўжалик институтига студентлар учун

КВАРТИРАЛАР КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Киров кўчаси, 22-уй, 58-хона.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19, 20, 21 августда

Ўзбек ашула ва рақс кечалари

Ўзбекистон ССР халқ артист-лари Шаҳодат Раҳимова, Фу-лом Абдураҳмонов, Насим Хо-шимов, Ўзбекистон халқ ҳофиз-лари А. Сўпхониев, Б. Сўпхон-иев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Б. Дави-дова, Э. Шукруллаев, К. Алиев, Яҳон фестивали лауреати Ф. Харротов, филармония солис-тари Р. Ҳакимова, Б. Мамо-нов, Э. Расулхўжаева, Ф. Носи-рова, Р. Ҳамдамов, Қ. Дадаев-лар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бош-ланади. Билетлар сотилмоқда.

«ЎЗПРОМСАНТЕХМОНТАЖ» ТРЕСТИГА

Тошкентда ишлаш учун нормалаш инженери

кер ак

Адрес: Апанасенко кўчаси, 35-уй, 3-қават Телефон — 31-863.

«ЎЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИГА

электроснаряжчилар ёки III-IV разрядли слесарь ма-лакиси ва 7-синф ҳажмида маъ-лумоти бўлганлардан электроснаряжчи ихтисосига ўрганишни хоҳлаган кишилар

кер ак

Тошкент шаҳар, Навоий кў-часи, 10-уйда надрлар бўлими-га учрашилсин.

ТОШКЕНТДАГИ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН 2-БОШҚАРМАГА

дипломли электросваркачилар, С-80 маркали тракторларга тракторчилар, ремонтчи слесар-лар, автохўжаликдаги ишдан тажрибаси бўлган инженер, меҳ-нат ва иш ҳақини нормалаш инженери

к е р а к

Куйбишев шоссе, 404-уйда СУ-2 надрлар бўлимига муро-жаат қилинсин.

ҚИЗИМ ДЕНАНИ ҚИДИРАМАН



5 ёшда. 14 август кундуз соат 1 да Биринчи май (Соёб Тезиков) бозоридан йўқолди. Эғнида хол-хўл гулли енгиза яшил қўйлаб, кўк майка, қизил хол-хўл гулли оқ трусики, оёғида қора мовутдан та-почка Кўрган-билганлардан қўй-лади адресга хабар қилишни сў-райман: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Заводская кўча, 62-уй, Ни-колай Тимофеевич Рогов.

Тошкент шаҳар, Октябрь район прокуратураси ходимлари На-линин район прокурори

Насриддин

ЗАИНУТДИНОВНИНГ

бевақт вафот этганини чу-қур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия нэҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БҲИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 140 Пропганда бўлими — 34808, 136. Совет қўриқлиш бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Махаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.